

“Ўзбек геология қидирув” АЖ
ягона акциядорининг
2021 йил “18” октябр даги
3 -сонли қарорига

ЎЗ-ИЛОВА

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Ўзбек геология қидирув” АЖ
ягона акциядорининг
2021 йил “18” октябр даги

3 -сон қарори билан

**“ЎЗБЕК ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ” АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ
ЮРИТИШ ВА АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН
БИТИМЛАР ТУЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ
ТАРТИБИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу “Ўзбек геология кидирув” АЖнинг афилланган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва афилланган шахслар билан битимлар тузиш Тартиби (кейинги ўринларда – Тартиб) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Корпоратив бошқарув Кодекси (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самардорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 31.12.2015йилдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) тавсиялари, “Ўзбек геология кидирув” АЖнинг (кейинги ўринларда - Жамият) Устави ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Тартиб Жамиятнинг афилланган шахслари ҳисобини юритиш қоидаларини, Жамиятнинг афилланган шахслар билан битимлар тузишга бўлган талабларни, шунингдек афилланган шахслар ва Жамиятнинг афилланган шахслар билан битимлари тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш қоидаларини белгилайди.

3. Ушбу Тартиб Жамиятда, шу жумладан Жамиятнинг афилланган шахслар билан битимлар тузишда ички назоратнинг самарали тизимини ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

II. ЖАМИЯТНИНГ АФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРИ

4. Бевосита ва (ёки) билвосита (бошқа жисмоний ва (ёки) юридик шахслар орқали) қарорлар белгилашга ёки уларнинг Жамият томонидан қабул қилинишига таъсир кўрсатишга қодир бўлган жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек қарорлар қабул қилишида Жамият шундай таъсир кўрсатадиган юридик шахслар Жамиятнинг афилланган шахслари ҳисобланади.

5. Қонуннинг 85-моддасига мувофиқ “Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан афилланган шахслар деб эътироф этилади.”

6. Қуйидагилар Жамиятнинг афилланган шахслари деб эътироф этилади:

а) Жамиятимизнинг 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортик фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс, шу жумладан ишончли бошқарувчи ва ушбу юридик шахснинг вакили;

б) Жамиятимизнинг 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортик фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс, шу жумладан ишончли бошқарувчи ва ушбу жисмоний шахснинг вакили;

в) Жамиятимиз Кузатув кенгашининг аъзоси;

г) Жамиятимиз Бошқаруви (коллегиял ижроия органи) раисининг ёхуд Бошқарув аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс;

д) Жамиятимиз қайси юридик шахс устав фондининг 20 (йигирма) фоизи ва ундан ортик фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс, шу жумладан ишончли бошқарувчи ва ушбу юридик шахснинг вакили;

е) Жамиятимизнинг шўба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;

ж) Жамиятимиз шўба хўжалик жамияти бўлган Жамиятнинг шўба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;

з) Юридик шахс устав фондининг 20 (йигирма) фоизи ва ундан ортик фоизига эгалик қилиш билан бирга Жамиятимиз устав фондининг 20 (йигирма) фоизи ва ундан ортик фоизига эгалик қиладиган юридик шахс, шу жумладан ишончли бошқарувчи ва ушбу юридик шахснинг вакили;

и) Жамиятимиз Кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи айти бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс Кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

к) Жамиятимиз Бошқарувининг раиси ёхуд бошқарув аъзоси бўлган айти бир шахс ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

л) яқин қариндошлари билан биргаликда Жамиятимиз Кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

м) Жамиятимиз Бошқаруви аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндошлари билан биргаликда қайси юридик шахс жамият Кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

н) Жамиятимиз билан битта хўжалик бирлашмасига қирувчи юридик шахс.

7. Қуйидагилар Жамиятимизнинг (Жамиятимизнинг аффилиланган шахси бўлган) акциядори-жисмоний шахснинг аффилиланган шахслари деб эътироф этилади:

а) Жамиятимизнинг акциядори (жисмоний шахс) ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс устав фондининг 20 (йигирма) фоизи ва ундан ортик фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс, шу жумладан ишончли бошқарувчи ва ушбу юридик шахснинг вакили;

б) Жамиятимизнинг ушбу акциядори (жисмоний шахс) ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс Кузатув кенгашининг аъзоси бўлса, ўша юридик шахс;

в) Жамиятимизнинг ушбу акциядори (жисмоний шахс) ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда ижроия органининг аъзоси ваколатларини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс.

Жамиятимиз-юрдик шахс (Жамиятнинг аффилиланган шахси бўлган) акциядорининг аффилиланган шахслари қонун ҳужжатларига мувофик юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига асосан (АЖ, МЧЖ, ҚМЖ, тўлиқ шериклик, коммандит шериклик, унитар қорхона, давлат қорхонаси, нотижорат ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари) аниқланади.

8. Қуйидагилар Жамиятимиз (Жамиятимизнинг аффилиланган шахси бўлган) Кузатув кенгашининг аъзоси ва ижроия органининг аъзоси бўлган жисмоний шахснинг аффилиланган шахслари деб эътироф этилади:

а) Жамиятимиз Кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг ушбу аъзоси ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс устав фондининг 20 (йигирма) фоизи ва ундан ортик фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс, шу жумладан ишончли бошқарувчи ва ушбу юридик шахснинг вакили;

б) Жамиятимиз Кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг ушбу аъзоси ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс Кузатув кенгашининг аъзолари бўлса, ўша юридик шахс;

в) Жамиятимиз Кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг ушбу аъзоси ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда ижроия органининг аъзоси ваколатларини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс.

Жамиятимизнинг аффилиланган шахслари ҳисобланадиган бошқа юридик шахсларнинг аффилиланган шахслари қонун ҳужжатларига мувофик юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб белгиланади.

Ш. ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

Жамиятнинг аффилланган шахслари ҳисобини олиб бориш

9. Қонуннинг 105-моддасига мувофиқ Жамият ўзининг аффилланган шахслари ҳисобини юритиши шарт.

10. Жамият ўзининг аффилланган шахслари ҳисобини Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатини тузиш ва олиб бориш йўли билан ушбу Тартибнинг 1-иловасидаги шаклга мувофиқ юритади.

11. Жамият ижроия органи раҳбарининг буйруғи билан тайинланадиган Жамият ходими (кейинги ўринларда – Жамиятнинг ваколатли шахси) ёки вазифасига акциядорлар билан корпоратив муносабатлар юритиш қиладиган Жамиятнинг тузилмавий бўлинмаси (кейинги ўринларда – Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси) аффилланган шахслар ҳисобини юритиш учун масъул ҳисобланади.

Аффилланган шахсларнинг рўйхатини тузиш

12. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси ушбу Тартибнинг 6-бандига мувофиқ Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши баённомасини имзолаш санасидаги ҳолатга кўра Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган акциядорлар реестри маълумотларига асосланган ҳолда, аффилланган шахсларнинг дастлабки рўйхатини тузади.

13. Қуйидагилар аффилланган шахслар рўйхатини тузиш учун асос бўлади: Жамият аффилланган шахсларининг билдириши;

аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битим тарафи ёзма билдириши;
инвесторларнинг (акциядорларнинг) Жамият акцияларини олиш тўғрисидаги билдириши;

Жамиятга келиб тушадиган ҳужжатлар (акциядорлар реестрлари, Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомалари, Кузатув кенгаши мажлисларининг баённомалари, Тафтиш комиссиясининг ҳулосалари, Ички аудит хизматининг ҳисоботлари ва бошқалар);

Жамият томонидан тузиладиган ҳужжатлар (устав фондларида Жамиятимиз иштирок этадиган юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари, бухгалтерлик ҳисоби ҳужжатлари ва бошқалар).

14. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун Қимматли қозғаларнинг Марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган ва берилган Жамият акциядорларининг реестри маълумотлари асосида қуйидагиларни белгилайди:

Жамиятимизнинг 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортик фоиз акцияларига мустақил равишда эгалик қилувчи акциядорлар - юридик шахслар, шу жумладан уларнинг ишончли бошқарувчилари;

Жамиятимизнинг 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортик фоиз акцияларига мустақил равишда эгалик қилувчи акциядорлар - жисмоний шахслар, шу жумладан уларнинг ишончли бошқарувчилари.

15. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши баённомаси асосида Жамиятимизнинг Кузатув кенгаши аъзоларини белгилайди.

16. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси Акциядорлар йиллик умумий йиғилишининг баённомаси ва/ёки Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси асосида Жамиятимиз Бошқаруви (Жамият коллегиял ижроия органи)нинг Раиси ва Бошқарув аъзоларинининг ваколатларини амалга оширувчи шахсни белгилайди.

17. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси Жамиятимиз ҳаммуассис ҳисобланадиган юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари ва бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари асосида қуйидагиларни белгилайди:

Жамиятимиз устав фондининг 20 (йигирма) фоизига эгалик қиладиган (Жамиятимиз йирик акциядор ёки иштирокчи бўлган) юридик шахсларни;

Жамиятимиз устав фондининг 20 (йигирма) фоиздан ортиғига эгалик қиладиган Жамиятимизнинг тобе ҳўжалик жамиятлари - юридик шахсларни;

устав фондининг устувор улуши (50%дан ортиғи) Жамиятимизга тегишли бўлган Жамиятимизнинг шўба ҳўжалик жамиятлари - юридик шахсларни.

18. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси 14-17-бандларда кўрсатилган маълумотлар асосида Жамият аффилиланган шахсларининг дастлабки рўйхатини тузади.

Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси дастлабки рўйхат тузилгандан кейин ушбу рўйхатга киритилган шахсларга уларнинг Жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатига уларнинг аффилиланганлик асосини кўрсатган ҳолда кирганлиги тўғрисида тегишли билдириш ва Жамият аффилиланган шахсларининг дастлабки рўйхатини аниқлаш ва тўлдириш мақсадида қўшимча ахборот такдим этиш ҳақида сўров юборади.

Сўров шунингдек, Жамиятимиз бошқа юридик шахснинг шўба ҳўжалик жамияти ҳисобланган такдирда, Жамиятимизнинг бош (юкори) ташкилотига, агар Жамиятимиз ҳўжалик бирлашмаси таркибига кирган такдирда, ҳўжалик бирлашмасига юборилади.

19. Жамият аффилиланган шахсларининг дастлабки рўйхатини аниқлаш ва тўлдириш учун дастлабки рўйхатга киритилган аффилиланган шахслар Жамиятнинг сўрови асосида Жамиятимизнинг бош (юкори) ташкилотига ва Жамиятимиз таркибига кирган ҳўжалик бирлашмасига қуйидаги ахборотни такдим этишлари шарт:

Жамиятимизнинг 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи барча жисмоний шахслар – акциядорлар яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотларни такдим этишлари шарт (Қонуннинг 85-моддаси, 2-банди);

Жамиятимизнинг барча йирик акциядорлари (20 ва ундан ортиқ фоиз) йирик акциядорларимиз йирик акциядор ёки иштирокчи ҳисобланадиган (20 ва ундан ортиқ фоиз) юридик шахсларнинг рўйхатини такдим этишлари шарт (Қонуннинг 85-моддаси, 6-банди);

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари қуйидагиларни такдим этишлари шарт (Қонуннинг 85-моддаси, 7- ва 9-бандлар):

а) яқин қариндошлари билан биргаликда Жамиятимиз Кузатув кенгашининг камида 1/3 (учдан бир) қисмини ташкил этувчи шахслар шу билан биргаликда Кузатув кенгаши таркибининг камида 1/3 (учдан бир) қисмини ташкил этадиган юридик шахслар рўйхати;

б) яқин қариндошлари билан биргаликда Жамиятимиз Кузатув кенгаши

таркибининг камида 1/3 (учдан бир) қисмини ташкил этувчи Жамиятимиз Кузатув кенгашининг аъзоси шу билан бирга Бошқарув аъзоси вазифасини бажарадиган юридик шахслар рўйхати.

Жамиятимиз Бошқаруви раиси ёки Бошқарув аъзолари қуйидагиларни тақдим этишлари шарт (Қонуннинг 85-моддаси, 8- ва 10-бандлар):

а) Жамиятимиз Бошқаруви раиси ёки Бошқарув аъзоси ёки унинг яқин қариндошлари ижроия органи раҳбари – (Бошқарув раиси) ёки Бошқарув раиси) вазифасини бажарадиган юридик шахслар рўйхати;

б) Жамиятимиз Бошқаруви раиси ёки Бошқарув аъзоси яқин қариндошлари билан биргаликда Кузатув кенгаши таркибининг камида 1/3 (учдан бир) қисмини ташкил этувчи юридик шахслар рўйхати.

Жамиятимизнинг бош (юқори) ташкилоти (агар Жамиятимиз бошқа юридик шахснинг шўъба хўжалик жамияти бўлган тақдирда) Жамиятимизнинг бош (юқори) ташкилотининг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахслар рўйхатини тақдим этиши зарур (Қонуннинг 85-моддаси, 5-банди);

хўжалик бирлашмаси (агар Жамиятимиз хўжалик бирлашмаси таркибига кирган тақдирда) Жамиятимиз билан бир хўжалик бирлашмаси таркибига кирган юридик шахсларнинг рўйхатини тақдим этиши лозим (Қонуннинг 85-моддаси, 5-банди).

20. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси сўровларга жавоблар олингандан кейин тақдим этилган маълумотлар асосида аффилиланган шахсларнинг дастлабки рўйхатига қўшимчалар киритади ва Жамият аффилиланган шахсларининг яқуний рўйхатини шакллантиради.

21. Жамият аффилиланган шахсларининг яқуний рўйхати Ижроия органи раҳбари томонидан имзоланиши лозим, бу билан у рўйхатдан ўрин олган ахборотнинг ишончлилигини тасдиқлайди. Агар аффилиланган шахсларнинг рўйхати 1 (бир) варақдан ортик бўлса, у рақамланиши, тикилиши, Жамият муҳри ва Жамият Ижроия органи раҳбарининг имзоси билан тасдикланиши лозим.

22. Аффилиланган шахсларнинг рўйхати тасдиқлангандан кейин рўйхатнинг нусхалари Жамият аффилиланган шахсларининг яқуний рўйхатига киритилган шахсларга юборилади. Жамият аффилиланган шахсларининг рўйхати билан бир вақтнинг ўзида аффилиланган шахслар рўйхатидаги ахборотнинг ўзгарганлиги тўғрисида, шунингдек аффилиланган шахсларнинг, уларнинг яқин қариндошларининг ва (ёки) уларнинг аффилиланган шахсларининг манфаатдорлиги бўлган кутилаётган битимлар ҳақида Жамиятни хабардор қилиш мажбурияти тўғрисида билдиришлар жўнатилади.

23. Жамият аффилиланган шахсларининг манфаатдорлиги бўлган битимларни аниқлаш учун Жамият акциядорлари, Кузатув кенгаши аъзолари, жамият Ижроия органи аъзолари ва Жамиятнинг бошқа аффилиланган шахслари – юридик шахслар шунингдек, қуйидаги қўшимча ахборотни тақдим этишлари зарур:

Жамиятимизнинг барча акциядорлари – юридик шахслар шунингдек, ўзлари билан бирга Жамиятимизнинг 20 (йигирма) ва ундан ортик фоиз акцияларига эгалик қиладиган (манфаатдор гуруҳни белгилаш учун) Жамиятимизнинг акциядорлари ҳисобланадиган ўзларининг аффилиланган шахслари тўғрисида қўшимча ахборотни тақдим этишади;

Жамиятимизнинг барча акциядорлари – жисмоний шахслар шунингдек, ўзлари билан бирга Жамиятимизнинг 20 (йигирма) ва ундан ортик фоиз

акцияларига эгалик қиладиган (манфаатдор гуруҳни белгилаш учун) ўзларининг яқин қариндошлари ва аффилиланган шахслари тўғрисида қўшимча ахборотни тақдим этишади;

Жамиятимизнинг 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортик фоиз акцияларига мустақил равишда ёки ўз аффилиланган шахслари билан биргаликда эгалик қилувчи акциядорлар - юридик шахслар шунингдек, қуйидаги қўшимча ахборотни тақдим этишади:

а) ўзларининг (битимнинг иккинчи тарафи бўлиши мумкин бўлган) аффилиланган шахслари тўғрисида;

б) Жамиятимиз акциядори (юридик шахс) ва (ёки) унинг аффилиланган шахси 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортик фоиз акцияларига (хар бири алоҳида ёки биргаликда) эгалик қиладиган юридик шахслар тўғрисида;

в) Жамиятимиз акциядори (юридик шахс) ва (ёки) унинг аффилиланган шахси ижроия органи вазифасини бажарадиган юридик шахслар тўғрисида (агар Жамиятимиз акциядори ёки унинг аффилиланган шахси ишончли бошқарувчи (бошқарув ташкилоти) бўлган тақдирда);

ўзларининг яқин қариндошлари ва (ёки) аффилиланган шахслари билан бирга Жамиятимизнинг 20 (йигирма) ва ундан ортик фоиз акцияларига эгалик қиладиган жамиятимиз акциядорлари – жисмоний шахслар шунингдек, қуйидаги қўшимча ахборотни тақдим этишади:

а) ўзларининг (Жамият билан тузиладиган битимнинг иккинчи тарафи бўлиши мумкин бўлган) яқин қариндошлари тўғрисида;

б) ўзларининг (Жамият билан тузиладиган битимнинг иккинчи тарафи бўлиши мумкин бўлган) аффилиланган шахслари тўғрисида;

в) Жамиятимиз акциядори (жисмоний шахс), унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортик фоиз акцияларига (хар бири алоҳида ёки биргаликда) эгалик қиладиган юридик шахслар тўғрисида;

г) Жамиятимиз акциядори (жисмоний шахс), унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари ушбу юридик шахснинг Кузатув кенгаши аъзолари ҳисобланадиган юридик шахслар тўғрисида;

д) Жамиятимиз акциядори (жисмоний шахс), унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари ушбу юридик шахснинг ижроия органи аъзоси ваколатини амалга оширадиган юридик шахслар тўғрисида;

Жамиятимиз Кузатув кенгаши аъзолари шунингдек, қуйидаги қўшимча ахборотни тақдим этишади:

а) ўзларининг (Жамият билан тузиладиган битимнинг иккинчи тарафи бўлиши мумкин бўлган) яқин қариндошлари тўғрисида;

б) ўзларининг (Жамият билан тузиладиган битимнинг иккинчи тарафи бўлиши мумкин бўлган) аффилиланган шахслари тўғрисида;

в) Жамиятимиз Кузатув кенгаши аъзоси, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортик фоиз акцияларига (хар бири алоҳида ёки биргаликда) эгалик қиладиган юридик шахслар тўғрисида;

г) Жамиятимиз Кузатув кенгаши аъзоси, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари ушбу юридик шахснинг Кузатув кенгаши аъзолари ҳисобланадиган юридик шахслар тўғрисида;

д) Жамиятимиз Кузатув кенгаши аъзоси, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари ижроия органи аъзоси ваколатини амалга

оширадиган юридик шахслар тўғрисида;

Жамиятимиз ижроия органи аъзолари шунингдек, қуйидаги қўшимча ахборотни тақдим этишади:

а) ўзларининг яқин қариндошлари тўғрисида;

б) ўзларининг аффилиланган шахслари тўғрисида;

в) Жамиятимиз ижроия органи аъзоси, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортик фоиз акцияларига (хар бири алоҳида ёки биргаликда) эгалик қиладиган юридик шахслар тўғрисида;

г) Жамиятимиз ижроия органи аъзоси, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари ушбу юридик шахснинг Кузатув кенгаши аъзолари ҳисобланадиган юридик шахслар тўғрисида;

д) Жамиятимиз ижроия органи аъзоси, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари ушбу юридик шахснинг ижроия органи аъзоси ваколатини амалга оширадиган юридик шахслар тўғрисида;

Жамиятимизнинг бошқа аффилиланган шахслари – юридик шахслар (Жамиятимизнинг шўба ва тобе хўжалик жамиятлари, Жамиятимизнинг 20 фоиз акцияларига (улушига) эгалик қиладиган юридик шахслар, Жамиятимизнинг йирик акциядорлари (20 фоиз ва ундан ортик) ушбу юридик шахснинг йирик акциядори ёки иштирокчиси (20 фоиз ва ундан ортик) ҳисобланадиган юридик шахслар, Жамиятимиз бош (юкори) ташкилотининг шўба корхоналари, Жамиятимиз билан бирга бир хўжалик бирлашмаси таркибига қирадиган юридик шахслар) шунингдек, қуйидаги қўшимча ахборотни тақдим этишади:

а) ўзларининг аффилиланган шахслари тўғрисида;

б) Жамиятимизнинг аффилиланган шахси ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортик фоиз акцияларига (хар бири алоҳида ёки биргаликда) эгалик қиладиган юридик шахслар тўғрисида;

в) Жамиятимизнинг аффилиланган шахси ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари ушбу юридик шахснинг ижроия органи вазифасини амалга оширадиган юридик шахслар тўғрисида (агар Жамиятимизнинг аффилиланган шахси ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари ишончли бошқарувчи (бошқарув ташкилоти) бўлган тақдирда).

24. Аффилиланган шахсларга, Жамиятимизнинг бош (юкори) ташкилотига ва Жамиятимиз таркибига қирадиган хўжалик бирлашмасига билдиришлар ва сўровлар Жамият аффилиланган шахсларининг дастлабки рўйхати тузилган пайтдан эътиборан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай Жамият томонидан ёзма шаклда бериш тўғрисидаги билдириш билан буюртма хат оркали юборилади.

Жамиятнинг аффилиланган шахсларига юбориладиган сўровда Жамият аффилиланган шахсларининг аффилиланган шахслар рўйхатини аниқлаш бўйича ахборотни тақдим этиш муддати, шунингдек уларнинг тегишли ахборотни тақдим этмаганлик учун жавобгарлиги кўрсатилади.

25. Жамиятнинг аффилиланган шахслари Жамият томонидан сўралган ахборотни сўров олинган кундан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай Жамият манзилига бериш тўғрисидаги билдириш билан ёзма шаклда буюртма хат юбориш йўли билан тақдим этишлари шарт.

Жамиятнинг аффилиланган шахслари аффилиланган шахслар рўйхатини аниқлаш ва тўлдириш учун ахборот тақдим этишни рад этган тақдирда, Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлимаси

Жамиятнинг аффилиланган шахсларини ёзма шаклда қуйидагилар тўғрисида огоҳлантиради:

Жамиятнинг аффилиланган шахси Қонуннинг 85-моддасига мувофиқ аффилиланганлик асослари вужудга келган пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай Жамиятнинг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ўзининг аффилиланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт (Қонуннинг 105-моддаси).

Агар аффилиланган шахснинг айби билан кўрсатилган ахборот тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги натижасида Жамиятга мулкий зарар етказилган бўлса, аффилиланган шахс Жамият олдида ўзи етказган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Жамиятнинг аффилиланган шахслари аффилиланган шахсларнинг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битимларни келгусида аниқлаш учун қўшимча ахборот тақдим этишни рад этган тақдирда, Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлини маси Жамиятнинг аффилиланган шахсларини ёзма шаклда қуйидагилар тўғрисида огоҳлантиради:

Аффилиланган шахс Жамият билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятнинг хабардор этиши шарт (Қонуннинг 86-моддаси);

Жамиятнинг суд томонидан айби исботланган аффилиланган шахси етказилган зарарнинг, Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузилган битимни ва даврони судда кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт (Қонуннинг 90-моддаси).

26. Акциядорлар – жисмоний шахслар (20 фоиздан кам улушга эга), бош (юкори) ташкилот ва хўжалик бирлашмаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ахборотни тақдим этишади.

Аффилиланган шахслар рўйхатига ўзгартиришлар киритиш

27. Аффилиланган шахслар рўйхатига ушбу Тартибнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда ўзгартиришлар киритилади.

28. Ушбу Тартибнинг 13-бандида кўрсатилган ҳужжатлар Жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатига ўзгартиришлар киритиш учун асос ҳисобланади.

29. Жамиятнинг аффилиланган шахслари ўзгартиришлар тўғрисидаги ахборотдан ушбу ўзгартиришлар вужудга келган пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай жамият манзилига бериш тўғрисидаги билдириш билан буюртма хат юбориш йўли билан Жамиятнинг ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

30. Қимматли қоғозлар эгаси битим тузиш натижасида эмитент қимматли қоғозлари ҳар қандай турунинг 35 ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қила бошласа, эмитентга (Жамиятга) ушбу ахборотни битим тузилган санани, қимматли қоғозлар сони ва олинган улушни (қимматли қоғозлар умумий сониға нисбатан фоиз ҳисобида), шунингдек ўзининг жойлашган ерини (почта манзилини) кўрсатган ҳолда мазкур битим тузилган санадан эътиборан беш кун ичида тақдим этиши шарт.

31. Инвестор - акциялар эгаси мустақил равишда ёки аффилиланган шахслар

билан биргаликда бир ёки бир нечта битим тузиш натижасида акциядорлик жамияти (Жамият) акцияларининг мазкур акциядорлик жамияти устав капиталининг жами 20 ва ундан ортик фоизини ташкил этувчи акциялар пакетини олганлиги хақидаги ахборотни ошкор этиши шарт (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуннинг 47-моддаси ва 2383-сонли Қоидаларнинг 22-23-бандлари).

32. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси Жамият бухгалтерияси билан қуйидаги рўйхатлардаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни ҳар чоракда солиштирувни амалга ошириши шарт:

Жамиятимизнинг шўъба хўжалик жамиятлари рўйхатидаги;

Жамиятимизнинг тобе хўжалик жамиятлари рўйхатидаги;

Жамиятимиз йирик акциядори ёки иштирокчиси (20 фоиз) бўлган юридик шахслар рўйхатидаги.

33. Жамият ижроия органи Жамиятнинг аффилиланган шахсларига боғлиқ бўлган ва Ижроия органига келиб тушган қуйидаги ахборотни ўз вақтида Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси эътиборига етказилишини таъминлайди:

Жамият акциядорлари реестридаги барча ўзгаришлар тўғрисида;

Жамиятнинг исталган турдаги қимматли қоғозларининг 35 ёки ундан ортик фоизига эғалик қила бошлаган қимматли қоғозлар эгаларининг хабарлари тўғрисида;

инвесторлар(акциялар эгалари)нинг муσταқил равишда ёки аффилиланган шахслар билан биргаликда бир ёки бир нечта битим тузиш натижасида Жамият акцияларининг Жамият устав капиталининг жами 20 ва ундан ортик фоизини ташкил этувчи акциялар пакетини олганлиги хақидаги хабарлари тўғрисида;

Жамият Қузатув кенгаши аъзолари ва ижроия органи аъзолари ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида;

Жамиятимиз бош (юқори) ташкилотининг шўъба қорхоналари рўйхатидаги ўзгаришлар тўғрисида (Жамиятимиз шўъба қорхонаси бўлган ҳолларда);

Жамиятимиз таркибига қирадиган хўжалик бирлашмасининг иштирокчилари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида;

Жамиятнинг аффилиланган шахсларига боғлиқ бўлган бошқа ахборотлар тўғрисида.

34. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси аффилиланган шахслар рўйхатида маълумотлар (шу жумладан, ўзгаришлар ва ёки қўшимчалар) киритишни талаб этувчи факт унга маълум бўлган пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечикмаган муддатда қўрсатилган рўйхатга тегишли маълумотлар (ўзгаришлар ва ёки қўшимчалар)ни киритиши шарт.

IV. ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ТУЗИЛАДИГАН БИТИМЛАРИ

35. Жамият аффилиланган шахсларининг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битимларга қуйидаги битимлар қиради, уларда:

а) қариндошлари ва (ёки) аффилиланган шахслари билан бирга 20 ва ундан ортик фоиз акцияларга эғалик қиладиган акциядор, Жамиятимизнинг Қузатув кенгаши аъзоси ва ижроия органи аъзоси, уларнинг яқин қариндошлари ва (ёки) уларнинг аффилиланган шахслари битимнинг иккинчи тарафи, наф олувчи,

воситачи ёки битимдаги вакил ҳисобланади;

б) ушбу юридик шахснинг 20 фоиз ва ундан ортик фоиз акцияларига (улушларига, пайларига) қариндошлари ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан 20 фоиз ва ундан ортик фоиз акцияларга (ҳар бири алоҳида ёки биргаликда) эгалик қиладиган акциядор - юридик шахс, Жамиятимизнинг Қузатув кенгаши аъзоси ва ижроия органи аъзоси, уларнинг яқин қариндошлари ва (ёки) уларнинг аффилиланган шахслари битимнинг иккинчи тарафи, наф олувчи, воситачи ёки битимдаги вакил ҳисобланади;

в) қариндошлари ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан 20 фоиз ва ундан ортик фоиз акцияларга эгалик қиладиган акциядор бошқарув органларида (шунингдек, ушбу юридик шахснинг ишончли бошқарувчиси бошқарув органларида) лавозим эгаллаган юридик шахс, Қузатув кенгаши аъзоси ва ижроия органи аъзоси, уларнинг яқин қариндошлари ва (ёки) уларнинг аффилиланган шахслари битимнинг иккинчи тарафи, наф олувчи, воситачи ёки битимдаги вакил ҳисобланади;

г) Жамиятимизнинг бошқа аффилиланган шахслари ёки уларнинг аффилиланган шахслари битимнинг иккинчи тарафи, наф олувчи, воситачи ёки битимдаги вакил ҳисобланади.

Аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларни аниқлаш

36. Жамиятнинг аффилиланган шахслар билан битимларини аниқлаш қуйдагича амалга оширилади:

Жамият аффилиланган шахсларининг ўзининг билдиришлари асосида; аффилиланган шахс иштирокида тузилиши кутилаётган битим тарафларининг билдиришлари асосида;

жамият томонидан тузиладиган шартномаларнинг экспертизаси натижасида.

37. Аффилиланган шахс Жамият билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Жамиятни хабардор этиши шарт (Қонуннинг 86-моддаси).

38. Аффилиланган шахс иштирокида тузилиши кутилаётган битим тарафи ҳам шунингдек, Жамият билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Жамиятни хабардор этиши шарт.

39. Жамият ижроия органи раҳбари шунингдек, Жамият аффилиланган шахсларининг манфаатдорлиги бўлган тузилаётган шартномаларни аниқлаш бўйича ишни ташкил этиши шарт.

Жамият номидан шартномалар тузишда иштирок этадиган Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари Жамият аффилиланган шахсларининг манфаатдорлиги борлигини аниқлаш бўйича Жамият томонидан тузилаётган барча шартномалар экспертизасини ўтказишлари зарур.

40. Жамият номидан шартномалар тузишга жалб этилган Жамиятнинг тузилмавий бўлигномалари раҳбарлари шартномалар экспертизасини ўтказишда қуйдагиларни текширишади:

шартномани кўриб чиқиш санасида Жамиятнинг аффилиланган шахслари

рўйхатига киритилган аффилиланган шахснинг ўзи ёки унинг ишончли бошқарувчиси шартнома тарафи ёки наф олувчи бўлиб ҳисобланадими;

шартномани кўриб чиқиш санасида Жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатига киритилган аффилиланган шахснинг ўзи битимда вакил ёки воситачи бўлиб иштирок этадими;

Жамиятнинг аффилиланган шахсининг ўзи, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари битимнинг бошқа тарафи, наф олувчи, битимда воситачи ёки вакил бўлиб ҳисобланадими;

Жамиятнинг аффилиланган шахсининг ўзи, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари (ҳар бири алоҳида ёки биргаликда) ушбу юридик шахснинг 20 ва ундан ортик фоиз акцияларига (улушларига, пайларига) эгалик қиладиган юридик шахс битимнинг бошқа тарафи, наф олувчи, битимда воситачи ёки вакил бўлиб ҳисобланадими;

Жамиятнинг аффилиланган шахсининг ўзи, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари ушбу юридик шахснинг бошқарув органларида (шунингдек, ушбу юридик шахс ишончли бошқарувчисининг бошқарув органларида) лавозим эгаллаган юридик шахс битимнинг бошқа тарафи, наф олувчи, битимда воситачи ёки вакил бўлиб ҳисобланадими.

41. Жамиятнинг экспертиза ўтказаяётган тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари кўрсатилган фактлар аниқланганда, Жамият ижроия органи раҳбарига ушбу шартномани тузишда аффилиланган шахснинг манфаатдорлиги бўлиши мумкинлиги тўғрисида билдиришнома тақдим этишади. Билдиришномада битимни тузишда манфаатдорлиги бўлган аффилиланган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки номи ҳамда унинг манфаатдорлиги асослари кўрсатиб ўтилиши зарур.

Аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларни ўрганиш

42. Жамиятнинг аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларини ўрганиш қуйидаги асосларда амалга оширилади:

а) Жамият аффилиланган шахснинг ўзининг қутилаётган битим тўғрисидаги ёзма билдириши асосида;

б) қутилаётган битим тарафининг ёзма билдириши асосида;

в) Жамиятнинг Жамият номидан шартномалар тузишга жалб этилган тузилмавий бўлинмаси раҳбарининг билдиришномаси асосида.

43. Жамият аффилиланган битим тарафининг ёзма билдиришида ёки Жамият тузилиши қутилаётган битим тарафининг ўзининг, аффилиланган шахс билан тузилмавий бўлинмаси раҳбарининг билдиришномасида кўрсатилган Жамиятнинг аффилиланган шахслар билан тузиладиган битими тўғрисидаги ахборот Жамият ижроия органи, Ички аудит хизмати ва корпоратив маслаҳатчи томонидан ўрганилади.

44. Жамият ижроия органи томонидан Жамиятнинг аффилиланган шахслар билан тузилиши қутилаётган битимларини ўрганиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи комиссия ташкил этилади.

Комиссия таркибига Жамиятнинг қуйидаги ходимлари қиради:

Юридик хизмат раҳбари;

Бош ҳисобчи;

Жамиятнинг тузилмавий бўлинма раҳбарлари;

Ички аудит хизмати раҳбари;

Корпоратив маслаҳатчи.

Жамиятнинг ижроия органи қарори билан Жамиятнинг бошқа ходимлари,

шунингдек Жамият тафтиш комиссияси ва ташки аудитор ушбу битимни ўрганишга қўшимча равишда жалб этилиши мумкин.

45. Жамиятнинг ижроия органи, Ички аудит хизмати ва Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси томонидан кутилаётган битимни ўрганиш ёзма билдириш ёки билдиришнома олингандан кейин 3 (уч) иш куни давомида амалга оширилади.

46. Жамиятнинг ижроия органи, Ички аудит хизмати ва Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси томонидан аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижалари баённома билан расмийлаштирилади ва битимни ўрганишда иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ва унинг жамият фаолиятига таъсир кўрсатиш эҳтиمولлиги кўзда тутилиши зарур.

47. Жамиятнинг ижроия органи раҳбари Жамият Кузатув кенгашини аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижалари тўғрисидаги баённомани илова қилган ва аффилиланган шахснинг, аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришлари ёки Жамият тузилмавий бўлинмаси раҳбарининг Жамиятнинг аффилиланган шахс билан тузиладиган битими аниқланганлиги тўғрисидаги билдиришномаси Жамиятга келиб тушган санани кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилади.

Аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларни маъқуллаш

48. Жамият Кузатув кенгаши аффилиланган шахс билан тузиладиган битим бўйича ахборот ва ҳужжатларни кўриб чиқади ва аффилиланган шахснинг, аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришлари ёки Жамият тузилмавий бўлинмаси раҳбарининг Жамиятнинг аффилиланган шахс билан тузиладиган битими аниқланганлиги тўғрисидаги билдиришномаси Жамиятга келиб тушган санадан 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қилади.

49. Жамият Кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзолари ушбу битим бўйича аффилиланган шахслар ҳисобланган тақдирда, битим бўйича қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда қабул қилинади.

50. Жамиятнинг аффилиланган шахси Жамият Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ушбу битим бўйича қарор қабул қилишда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Жамият томонидан ушбу битим тузилишида манфаатдор бўлган Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда овоз берадилар.

Жамият томонидан ушбу битим тузилишида манфаатдор бўлган акциядорлар ёки уларнинг вакиллари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилишда овоз берадилар.

51. Аффилиланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади.

52. Жамиятнинг ижроия органи тузилиши кутилаётган битим тарафини аффилиланган шахс билан тузилаётган битим бўйича қабул қилинган қарор ҳақида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай ёзма шаклда хабардор қилади.

53. Агар афилланган шахс билан тузилаётган битим айти бир вақтда йирик битим бўлса, битимни тузиш тартибига Қонунда белгиланган йирик битим тузишга доир қоидалар қўлланилади.

Агар афилланган шахс билан тузилаётган битим суммаси Жамият соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 фоизигачасини ташкил этса, қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Агар афилланган шахс билан тузилаётган битим суммаси Жамият соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 фоизигачасини ташкил этса ва Кузатув кенгашининг икки аъзоси битимдан манфаатдор ҳисобланса, қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Агар афилланган шахс билан тузилаётган битим суммаси Жамият соф активлари миқдорининг 50 (эллик) фоизидан ортигини ташкил этса, қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

54. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши афилланган шахс билан келгусида Жамият томонидан қўндалик хўжалик фаолияти жараёнида Акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

55. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Ижроия органининг афилланган шахслар билан битимларни мустақил тузиши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар рўйхатини (битимларнинг характери, уларнинг энг қўп миқдорини) аниқлайди.

Афилланган шахслар билан битимлар тузишдаги истиснолар

56. Ушбу Тартиб қуйидагиларга нисбатан тадбиқ этилмайди:

- а) Жамият айти бир вақтда Бошқарув раиси бўлган бир акциядордан ташкил топан даврда;
- б) Жамиятнинг барча акциядорлари (шу жумладан, Жамиятдаги бир акциядор) тузилишидан манфаатдор бўлган битимларга;
- в) Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эхтиёжлари учун тузиладиган битимларга, агар қонун хужжатларига қўра реализация қилишнинг махсус тартиби белгиланадиган монопол махсулот, моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари битим предмети бўлса;
- г) биржа ва қимошди савдолари орқали тузиладиган битимларга, агар Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эхтиёжлари учун фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар, шунингдек Жамият томонидан ишлаб чиқариладиган тайёр махсулот битим предмети бўлса;
- д) Жамият томонидан жойлаштирилаётган қимматли қозғаларни олишга доир имтиёзли ҳуқуқни амалга оширишда;
- е) Жамият жойлаштирилган акцияларни олганда;
- ж) Жамиятни қайта ташкил этишга доир тартиб-таомиларни амалга оширишда;
- з) акцияларни акциядорлар ўртасида жойлаштиришда;
- и) қимматли қозғаларни қимматли қозғаларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида реализация қилишда;
- қ) Жамият ва афилланган шахс ўртасидаги битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида Жамият Кузатув кенгашининг ёки Акциядорлар умумий йиғилишининг белгиланган тартибда олдиндан қабул қилинган қарори мавжуд бўлганда.

Афилланган шахс билан тузилган битим бўйича низолашиш

57. Афилланган шахс билан тузилган битим бўйича Жамият акциядори мазкур битимни маъқуллаш ҳақида қабул қилинган қарордан норози бўлган ёхуд акциядор қарор қабул қилинишида иштирок этмаган тақдирда низолашиши мумкин.

58. Жамият акциядорнинг талабига кўра 3 (уч) иш куни ичида акциядорга афилланган шахс билан тузилаётган битим ҳақида Жамиятнинг ижроия органи раҳбари томонидан имзоланган тегшли ахборотни:

а) афилланган шахс, афилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битим тарафи ёзма билдиришининг ёки Жамият тузилмавий бўлини маси раҳбари билдиришномасининг;

б) битимни ўрганиш натижаси баённомасининг;

в) битимни маъқуллаш тўғрисида қабул қилинган қарорнинг;

г) тегшли шартноманинг, агар у тузилган бўлса, кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма шаклда тақдим этиши шарт.

Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга афилланган шахс билан тузилаётган битимга тааллуқли бўлган бошқа ахборотни ҳам тақдим этиши мумкин.

59. Афилланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида Жамиятга зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, акциядор ўша битимни ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан бевосита ёхуд акциядор номидан даъвогар бўлиб чиқишга ҳақли бўлган ваколатли давлат органлари орқали судга мурожаат қилишга ҳақли.

60. Жамиятнинг 10 (ўн) фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядор афилланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида Жамиятга зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, ўша битимни тузишга доир талаблар бузилишининг мавжуд белгиларини ўрганиш учун мустақил равишда аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли. Суд томонидан битим тузишга доир талаблар бузилганлиги факти аниқланган тақдирда, Жамият суднинг қарори қонуний қучга кирган пайтдан эътиборан бир ой муддатда акциядорнинг аудиторлик ташкилотини жалб этишга доир харажатларининг ўрнини мазкур хизматларнинг бозор қийматида кўп бўлмаган миқдорда қоплаши шарт.

61. Афилланган шахс билан тузилган битим қуйидаги ҳолларда суд тартибиде ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:

а) Қонунда битим тузиш бўйича белгиланган талабларга риоя этилмаганда;

б) битимни Жамият учун зарарли деб топишга доир асослар мавжуд бўлганда;

в) битимни тузишда манфаатлар қарама-қаршилиги мавжуд бўлганда;

г) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар мавжуд бўлганда.

62. Афилланган шахс билан тузилган битим қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлганда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас:

а) афилланган шахс билан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилган акциядорнинг овоз бериши акциядорларнинг ушбу битимни маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилинган умумий йиғилишида унинг иштирок этишидан ёки иштирок этмаслигидан қатъи назар, овоз бериш натижаларига таъсир кўрсатмаса;

б) мазкур битимнинг тузилиши Жамиятга ёки даъво билан судга мурожаат

килган акциядорга зарар етказилишига сабаб бўлганлиги ёки зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкинлиги исботланмаган бўлса;

в) мазкур битим бўйича зарарлар битим тарафларининг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларнинг (форс-мажор ҳолатларнинг) натижаси бўлганлиги исботланган бўлса;

г) мазкур битимнинг Қонунда назарда тутилган тартибда кейинчалик маъқулланганлиги далиллари ишни судда кўриб чиқиш пайтида тақдим этилган бўлса.

63. Агар аффилиланган шахснинг айби билан кўрсатилган ахборот тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги натижасида Жамиятга мулкӣ зарар етказилган бўлса, аффилиланган шахс Жамият олдида ўзи етказган зарар микдорида жавобгар бўлади.

64. Жамиятнинг суд томонидан айби исботланган аффилиланган шахси етказилган зарарнинг, Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузилган битимни ва даввони судда кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳаражатларнинг ўрнини қоплаши шарт.

V. ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН БИТИМЛАР ТУЗИШ ТАРТИБИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

65. Жамиятнинг аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш Ички аудит хизмати ва Жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

66. Жамият ички аудит хизмати Жамиятнинг молия-хўжалик операцияларини мунтазам равишда текширишда ва Жамиятнинг аффилиланган шахс билан тузилиши қўтилаётган битимини Жамият ижроия органи билан биргаликда ўрганишда Жамиятнинг аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тартибига риоя этилиши бўйича жорий назоратни амалга оширади.

Ички аудит хизмати томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Тартибда белгиланган тартибда уларнинг маъқуллашисиз аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш фактлари аниқланганда, Ички аудит хизмати раҳбари аниқланган фактлар ҳақида Кузатув кенгашига (Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитасига, молия-хўжалик операцияларини назорат қилиш бўйича масъул Кузатув кенгаши аъзосига) ва Ижроия органи раҳбарига ҳисобот беради.

Жамиятнинг бошқарув органлари тартибга риоя этмаган айбдорларга нисбатан тегишли қоралар кўради.

67. Жамият тафтиш комиссияси Жамиятнинг аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тартибига риоя этилишини келгусида назорат қилинишини амалга оширади.

68. Жамият тафтиш комиссияси ҳисобот чорагида Жамият томонидан тузилган шартномаларни ҳар чоракда ўрганади, ҳисобот чорагида Жамиятда аффилиланган шахслар билан битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг (шу жумладан, ушбу Тартибнинг) бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани тайёрлайди.

Жамият тафтиш комиссиясининг ушбу хулосаси ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқилади.

69. Тафтиш комиссияси томонидан Жамиятнинг бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текширишни амалга оширишда Тафтиш комиссияси шунингдек, текширилаётган даврда Жамиятда аффилиланган шахслар билан битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун

хужжатларининг ва Жамият ички хужжатларининг (шу жумладан, ушбу Тартибнинг) бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани тайёрлайди.

70. Жамият Тафтиш комиссиясининг йил якунлари бўйича аффилиланган шахслар билан битимлар тўғрисидаги хулосаси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

Жамият тафтиш комиссиясининг молия-хўжалик фаолиятини текширишнинг бошқа давридаги аффилиланган шахслар билан битимлар тўғрисидаги хулосаси Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқилади.

71. Жамият тафтиш комиссияси Ижроия органи томонидан Кузатув кенгашининг ёки Акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарорисиз аффилиланган шахслар билан тузилган битимларни ёки Ижроия органи томонидан ўрганишда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар деб эътироф этилмаган, бироқ аслида шундай битим бўлганлигини аниқлаган ҳолларда Тафтиш комиссияси дарҳол Кузатув кенгаши раисини хабардор қилади.

VI. ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРИ ВА ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН БИТИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ

72. Жамиятнинг аффилиланган шахси қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда, аффилиланганлик асоси юзага келган пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай ёзма шаклда Жамиятни ўзининг аффилиланганлиги тўғрисида хабардор этиши шарт.

73. Жамиятнинг аффилиланган шахслари ҳисобланган юридик шахслар тўғрисидаги хабар аффилиланган шахслар тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

тўлиқ номи;

ташқиллий-ҳуқуқий шакли;

жойлашган жойи ва почта манзили, шунингдек мавжуд бўлганда электрон почта манзили ва веб-сайти;

солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР);

улар Жамиятнинг аффилиланган шахслари ҳисобланишининг асоси;

улар Жамиятнинг аффилиланган шахслари ҳисобланишининг санаси;

Жамиятнинг уларга тегишли бўлган овоз берувчи акциялари сони, тури ва фоизи;

таъсис хужжати нусхаси.

74. Жамиятнинг аффилиланган шахслари ҳисобланган жисмоний шахслар тўғрисидаги хабар аффилиланган шахслар тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

фамилияси, исми, отасининг исми;

яшаш жойи, шунингдек мавжуд бўлганда электрон почта манзили;

солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР);

улар Жамиятнинг аффилиланган шахслари ҳисобланишининг асоси;

улар Жамиятнинг аффилиланган шахслари ҳисобланишининг санаси;

Жамиятнинг уларга тегишли бўлган овоз берувчи акциялари сони, тури ва фоизи;

шахсини тасдиқловчи хужжатнинг нусхаси.

Аффилланган шахс шунингдек, Жамиятга унинг сўрови бўйича ва ушбу Тартибга мувофиқ бошқа ахборотни тақдим этиши шарт.

75. Аффилланган шахс Жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Жамиятга хабардор этиши шарт.

76. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ Жамиятнинг қимматли қоғозлари эгаси битим тузиш натижасида Жамият қимматли қоғозлари ҳар қандай турининг 35 (ўттиз беш) ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қила бошласа, эмитентга ушбу ахборотни битим тузилган сани, қимматли қоғозлар сони ва олинган улушни (қимматли қоғозлар умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида), шунингдек ўзининг жойлашган ерини (почта манзилини) кўрсатган ҳолда мазкур битим тузилган санадан эътиборан 5 (беш) кун ичида тақдим этиши шарт.

77. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ инвестор (акциялар эгаси) мустақил равишда ёки аффилланган шахслар билан биргаликда бир ёки бир неча битим тузиш натижасида Жамият акцияларининг Жамият устав фондининг жами 20 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этувчи акциялар пакетини олганлиги ҳақидаги ахборотни ошкор қилиши шарт.

Кўрсатилган ахборотни ошкор қилиш битим (битимлар) тузилган кундан 2 (икки) иш куни мобайнида республика газетаси ёки фонд биржасининг расмий веб-сайтида амалга оширилади.

78. Жамият аффилланган шахслар ва аффилланган шахслар билан битимлар тўғрисидаги ахборотни: йиллик ҳисоботда;

муҳим фактлар ҳақидаги хабарларда ошкор этади.

79. Жамият ҳар йили аффилланган шахслар рўйхатини ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда эълон қилиши шарт.

80. Ҳисобот йили якунидаги ҳолатга кўра аффилланган шахслар рўйхати Жамият йиллик ҳисоботининг қисми ҳисобланади.

Ҳисобот йилида аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, аффилланган шахсларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифлари ҳамда қарор қабул қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар Жамият йиллик ҳисоботининг бир қисми бўлади.

Жамият йиллик ҳисоботни Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилганидан кейин 2 (икки) ҳафта давомида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида жойлаштириш йўли билан ушбу Тартибнинг 3-иловасига мувофиқ ошкор этиши шарт.

81. Аффилланган шахслар рўйхатига ўзгартиришлар киритилганда, Жамият бу ҳақдаги ахборотни ушбу Тартибнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги 36-муҳим фактда ошкор этади.

82. “Аффилланган шахслар рўйхатидаги ўзгаришлар” – 36-муҳим факт тўғрисидаги хабар муҳим факт юз берган санадан эътиборан 2 (икки) иш куни ичида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида ошкор этилади. Муҳим факт юз берган вақт бўлиб, Жамият томонидан аффилланган шахслар

рўйхатига тегишли ўзгариш киритилган сана ҳисобланади.

83. Аффилланган шахс билан битим тузилганда, Жамият бу ҳақдаги ахборотни ушбу Тартибнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги “Аффилланган шахс билан битим тузилиши” тўғрисидаги - 21-муҳим фактда ошқор этади.

84. “Аффилланган шахс билан битим тузилиши” муҳим факти тўғрисидаги хабар муҳим факт юз берган санадан эътиборан 2 (икки) иш куни ичида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида ошқор этилади.

Муҳим факт юз берган вақт бўлиб, Жамиятнинг аффилланган шахс билан битим тузган санаси ҳисобланади.

85. Жамият Жамият акциядорларининг талабига кўра 3 (уч) иш куни ичида уларга аффилланган шахс билан тузилган битим тўғрисидаги тегишли ахборотни тақдим этиши шарт.

86. Жамият қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг талабига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

VII. АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ РЎЙХАТЛАРИНИ ВА ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН БИТИМЛАРИ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ

87. Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхати (шу жумладан, рўйхатга киритилган ўзгаришлар) Жамиятнинг ички ҳужжати ҳисобланади ва Жамиятнинг жойлашган ерида сақланади.

88. Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхати доимий сақланадиган ҳужжат ҳисобланади.

89. Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхати Жамиятнинг тижорат сирига, инсайдер ахборотга ёки Жамиятнинг бошқа махфий ахборотларига тааллуқли ахборот ҳисобланмайди.

Ушбу рўйхатдан ўрин олган ахборот, шунингдек аффилланган шахслар рўйхатининг ўзи учинчи шахсларга уларнинг шундай ахборот билан танишиш зарурати асослари кўрсатилган ёзма сўровига асосан тақдим этилиши мумкин. Жамият ахборот сўрови Жамият билан тузилган битимга тааллуқли бўлмаган ҳолларда, ушбу ахборотни, шунингдек аффилланган шахслар рўйхатини танишиб чиқиш учун тақдим этишни рад этишга ҳақли.

90. Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузилган битимларига доир ҳужжатлар ҳам Жамиятнинг жойлашган ерида сақланади.

Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузилган битимларига доир ҳужжатлар улар тузилган молиявий йил тугагандан кейин Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни яқунлаш шarti билан 3 (уч) йил давомида сақланади

91. Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузилган битимларига доир ҳужжатлар махфий ахборот ҳисобланади.

92. Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузилган битимларига доир ахборот ва ҳужжатлар Жамият акциядорининг талабига кўра Қонунда белгиланган тартибда тақдим этилади.

93. Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузилган битимларига доир ҳужжатлар ваколатли давлат органларига қонун ҳужжатларида белгиланган

тартибда тақдим этилади.

VIII. ЖАВОБГАРЛИК

94. Жамиятнинг аффилиланган шахси:

а) Жамиятга ўзининг аффилиланганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этмаганлиги учун;

б) Жамият аффилиланган шахсининг манфаатдорлиги бўлган кутилаётган битим тўғрисида Жамиятни хабардор этмаганлиги учун жавобгар бўлади.

95. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки ваколатли тузилмавий бўлинмаси Жамиятнинг аффилиланган шахсларини ҳисобга олишни ташкил этиш ва Жамиятнинг аффилиланган шахслари ва аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ҳақидаги ахборотни ўз вақтида ошкор этиш бўйича жавобгар ҳисобланади.

96. Аффилиланган шахс билан тузилган битимни ўрганишни амалга оширган шахслар битим бўйича ҳулоса ва яқунларнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлади.

97. Жамият ижроия органи аффилиланган шахслар билан битимларни тузиш тартибига риоя этилиши учун жавобгар ҳисобланади.

98. Шунингдек, Жамият Кузатув кенгаши ҳам аффилиланган шахслар билан битимларни тузиш тартибига риоя этилиши учун жавобгар ҳисобланади.

99. Жамият Жамиятнинг аффилиланган шахслари ҳақидаги, Жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги ва Жамиятнинг аффилиланган шахслар билан тузилган битимлари ҳақидаги ахборотнинг ўз вақтида ошкор этилиши учун қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

100. Агар аффилиланган шахс:

а) Жамиятни ўзининг аффилиланганлиги тўғрисида хабар қилмаса ёки ўз вақтида хабардор қилмаса;

б) аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битим тўғрисида хабардор қилмаса, Жамият аффилиланган шахслар билан битимларни тузиш тартибининг бузилиши учун жавобгар ҳисобланмайди.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

101. Ушбу Тартиб Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқлангандан кейин қучга қиради.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу Тартибни тасдиқлаш бўйича қарори умумий йиғилишда ҳозир бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

102. Ушбу Тартибга қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги, Жамият Уставига, Жамиятнинг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ва бошқа ҳолларда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ушбу Тартибга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқлангандан кейин қучга қиради.

103. Акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу Тартибга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларни тасдиқлаш бўйича қарори умумий йиғилишда ҳозир бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

104. Агар ушбу Тартибнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ҳамда ушбу Тартибга тегишли ўзгартиришлар

киритилгунга қадар, бу бандлар орқали тартибга солинадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Устави меъёрлари қўлланилади.

АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР РЎЙХАТИ (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши баённомасини имзолаш санасидаги ҳолатга кўра)				
N	Ф.И.Ш. ёки тўлиқ номи	Жойлашган ери (яшаш жойи) (давлат, вилоят, шаҳар, туман)	Улар аффилланган шахс деб эътироф этилиш асоси	Асос(лар) содир этил- ган сана

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____
Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: _____

АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР РЎЙХАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (ўзгаришлар киритилган санадаги ҳолатга кўра)				
N	Ф.И.Ш. ёки тўлиқ номи	Жойлашган ери (яшаш жойи) (давлат, вилоят, шаҳар, туман)	Улар аффилланган шахс деб эътироф этилиш асоси	Асос(лар) содир этил- ган сана

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____
Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: _____

Эмитентнинг _____ йил яқунлари бўйича
ЙИЛЛИК ҲИСОБОТИ

ҲИСОБОТ ЙИЛИДА АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ТУЗИЛГАН БИТИМЛАР РЎЙХАТИ						
15.	Битим тузилган сана	Контрагент- нинг Ф.И.Ш. ёки тўлиқ номи	Битим предмет и	Суммаси	Эмитентнинг битимлар бўйича қарор қабул қилган органи	Битимлар бўйича қабул қилинган қарорлар- нинг тўлиқ таърифи
АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР РЎЙХАТИ (ҳисобот йилининг яқуни ҳолатига)						
16.	Ф.И.Ш. ёки тўлиқ номи	Жойлашган ери (яшаш жойи) (давлат, вилоят, шаҳар, туман)	Улар аффилланган шаҳс деб эътироф этилиш асоси	Асос(лар) содир этил- ган сана		

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____
Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: _____

36-сон муҳим факти

АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР РЎЙХАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

		ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ				
1.		Тўлиқ:				
		Қискартирилган:				
		Биржа тикерининг номи:				
		АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ				
		Жойлашган ери:				
2.		Почта манзили:				
		Электрон почта манзили:				
		Расмий веб-сайти:				
		МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ				
		Муҳим фактнинг раками:		36		
		Муҳим фактнинг номи:		Аффилланган шахслар рўйхатидаги ўзгаришлар		
		Жисмоний шахснинг Ф.И.Ш. ёки юридик шахснинг тўлиқ номи	Аффилланган шахснинг жойлашган ери (почта манзили), яшаш жойи (давлат, вилоят, шаҳар, туман)	Қимматли қоғозларнинг сони (пай, улушларнинг микдори)	Қимматли қоғозларнинг тури	Ҳолат тури
3.						
		Эмитент томонидан аффилланган шахслар рўйхатига тегишли ўзгариш киритилган сана:				
		Аффилланган шахслар рўйхати:				
	N	Жисмоний шахснинг Ф.И.Ш. ёки юридик шахснинг тўлиқ номи	Жойлашган ери (яшаш жойи) (давлат, вилоят, шаҳар, туман)	Улар аффилланган шахс деб эътироф этилиш асоси	Асос(лар) содир этилган сана	
	1.					
	2.					

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтада ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: _____

21-сон муҳим факти
АФФИЛЛАНГАН ШАХС БИЛАН БИТИМ ТУЗИЛИШИ

		ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ	
1.	Тўлик:		
	Қисқартирилган:		
	Биржа тикерининг номи:		
		АЛЮКА МАЪЛУМОТЛАРИ	
2.	Жойлашган ери:		
	Почта манзили:		
	Электрон почта манзили:		
	Расмий веб-сайти:		
		МУҲИМ ФАКТ Тўғрисида АХБОРОТ	
	Муҳим фактнинг рақами:	21	
	Муҳим фактнинг номи:		Аффилланган шахс билан битим тузилиши
3.	Контрагентнинг Ф.И.Ш. ёки тўлиқ номи:		
	Контрагентнинг жойлашган ери (почта манзили):		
	Аффилланган шахснинг Ф.И.Ш. ёки тўлиқ номи:		
	Аффилланган шахснинг жойлашган ери:		
	Эмитентнинг битим бўйича қарор қабул қилган органи:		
	Қарор қабул қилинган сана:		
	Битим суммаси (сўмда):		
	Битим тузилган сана:		
	Битим тури:		
	Битим предмети:		
	Битим бўйича эмитент ким ҳисобланади:	Олувчи	
		Бегоналаштирувчи	

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
 ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: _____: